Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# *5140600 - География*
# бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйрук № 418
«14» 08 2020 йил

Сканировано с CamScanner

# СЎЗ БОШИ

## 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

## ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 5410600 - География таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.



Сканировано с CamScanner

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
| --- | --- | --- |
| 1. | *5140600-География* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи............... | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................................ | 4 |
| 1.1.1. | *5140600-География* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.............. | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.................................................. | 4 |
| 1.2. | *5140600-География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ................................................................................... | 4 |
| 1.2.1. | *5140600-География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари........................................................................................................ | 4 |
| 1.2.2. | *5140600-География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари......................................................................... | 4 |
| 1.2.3. | *5140600-География* *т*аълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари............................................................................... | 5 |
| 1.2.4. | *5140600-География* йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари........... | 5 |
| 2. | *5140600-География* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар............................................................. | 6 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар.................................................................................... | 6 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар..................................................................................... | 6 |
| 2.3. | Касбий квалификациялар.................................................................................. | 7 |
| 3. | *5140600-География* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар............................................ | 7 |
| 3.1. | *5140600-География* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар............................................................ | 7 |
| 3.2. | *5140600-География* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ........................................................................................................ | 7 |
| | Библиографик маълумотлар.............................................................................. | 8 |




Сканировано с CamScanner

## 1. *5140600- География* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***5140600- География*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. *5140600- География* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби *5140600- География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *5140600- География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *5140600- География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

*5140600- География* бакалавриат таълим йўналиши илм-фан ва табиатшунослик соҳасидаги йўналиш бўлиб, Ер ҳақидаги билимлар билан алоқадор бўлган лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот, маъмурий бошқарув ва педагогик ишлар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. *5140600 - География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- умумтаълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими муассасаларида педагогик жараёнлар;
- ижтимоий ва иқтисодий фаолиятлар доирасида барча техника, қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш объектлари;

табиий ресурсларни баҳолаш ва улардан фойдаланиш жараёнлари;

илмий тадқиқот, ташкилий-бошқарув муассасалардаги меҳнат жараёнлари.

**1.2.3. *5140600 - География* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- педагогик фаолият;
- илмий-тадқиқот;



Сканировано с CamScanner

- маънавий-маърифий фаолият;
- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш;
- турли хизматлар кўрсатиши.

**1.2.4.** ***5140600-География*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*5140600-География* таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Педагогик фаолиятда:**

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий, амалий машғулотларини ўтказиш;

-ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

-ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш, техник воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этиш;

-мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

-меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;

-соҳа йўналишларига оид маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

-касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

-илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

-илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

-маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

-илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

-илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга тадбиқ этишда қатнашиш;

-илмий-тадқиқот жамоаси таркибида (соҳа йўналишларига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш

**Маънавий-маърифий фаолиятда:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчи ва талабалар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

- мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний, қадриятдлар, меҳир-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**



Сканировано с CamScanner

-замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

-ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

-бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

-ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш.

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

-ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш ва мониторинги;

-фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;

-иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;

-амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш.

**Турли хизматлар кўрсатиш:**

- табиий географик, табиатни муҳофаза қилиш, геоэкологик, иқтисодий-ижтимоий ва демографик жараёнларга баҳо бериш ҳамда жараёнлар прогнозини ишлаб чиқиш;

- география йўналишига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш.

## 2. *5140600 - География* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

**2.2. Касбий компетенциялар**:

- умумилмий ва хусусий тизимли билимларга эга бўлиши;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдалана олиш;

- маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

- табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;



Сканировано с CamScanner

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида география фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс машғулотларини ўтказиш;

- педагогик ва ташкилий ишларда ижодий ёндашиши, касбга оид тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш кўникмаларига эга бўлиш.

**2.3. Касбий квалификациялар:**

географ, табиёт ва география фанлари ўқитувчиси, кичик илмий ходим, табиий географ, геоэколог, геоморфолог, тупроқшунос, иқлимшунос, ландшафтшунос, топонимист, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича мутахассис, иқтисодий географ, шаҳаршунос, аҳолишунос, геоурбанист, геодемограф.

## 3. *5140600-География* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

**3.1. *5140600-География* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

**3.2. *5140600-География* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| Ўқув даврлари | Кундузги таълим шакли учун* | Кечки таълим шакли учун* | Сиртқи шакли таълим учун* |
|---|---|---|---|
| Назарий ва амалий таълим* | 40-60% | 40-60% | 40-60% |
| *Шу жумладан, мустақил таълим* | - | 15-35% | 25-45% |
| Аттестация | 10-15% | 6-8% | 6-8% |
| Таътил | 10-30% | 10-30% | 10-30% |
| Малакавий амалиёт | 10-15% | 15-30% | 15-30% |
| Битирув малакавий иши | 1-3% | 2-10% | 2-10% |



Сканировано с CamScanner

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модул, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профил, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, география, табиий география, иқтисодий ва ижтимоий география, ландшафтлар, табиий географик жараёнлар, ҳудудий мажмуалар, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

Сканировано с CamScanner

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Ректор____________**А.Р. Марахимов**

202_ йил «____» _____________

М.Ў.

**ЎзР ФА Сейсмология институти**

Директор _________**В.А. Рафиков**

202__ йил «______»______________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор_____________**З. Хакимов**

202_ йил «_____» _________

М.Ў.

**Гулистон давлат университети**

Ректор___________ **М.Т.Ходжаев**

202___ йил «_____»______________

М.Ў.



Сканировано с CamScanner

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Ректор______________ **А.Р. Марахимов**

202_ йил «_____» ____________

М.Ў.

**ЎзР ФА Сейсмология институти**

Директор __________**В.А. Рафиков**

202__ йил «______»_______________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор_____________**З. Хакимов**

202_ йил «_____» _________

М.Ў.

**Гулистон давлат университети**

Ректор_____________ **М.Т.Ходжаев**

202___ йил «_____»_______________

М.Ў.



Сканировано с CamScanner

Сканировано с CamScanner

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори
А.Марахимов
2020 йил «12» 08

"КЕЛИШИЛДИ"
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири
И.Маджидов
2020 йил «14» 08

# ЎҚУВ РЕЖА

Таълим йўналиши: *5140600 – География*

Академик даража – БАКАЛАВР
Ўқиш шакли – кредит тизими
Таълим шакли – кундузги

## I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

| Курс | Сентябрь 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | Октябрь 6 | 7 | 8 | 9 | Ноябрь 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | Декабрь 15 | 16 | 17 | 18 | Январь 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | Февраль 24 | 25 | 26 | 27 | Март 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | Апрель 33 | 34 | 35 | 36 | Май 37 | 38 | 39 | 40 | Июнь 41 | 42 | 43 | 44 | Июль 45 | 46 | 47 | 48 | Август 49 | 50 | 51 | 52 | Ўқув жараёни хафталари: Жами | шундан: Назарий ва амалий таълим | Аттестациялар | Малакавий амалиёт | Якуний давлат аттестацияси | Таътил хафталари сони | Хаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| I | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | А | А | Т | Т | Т | Т | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | А | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 40 | 30 | 8 | 2 | | 12 | 52 |
| II | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | А | А | Т | Т | Т | Т | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | А | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 40 | 30 | 8 | 2 | | 12 | 52 |
| III | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | А | А | Т | Т | Т | Т | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | А | А | М | М | Т | Т | Т | Т | Т | Т | 40 | 30 | 8 | 2 | | 12 | 52 |
| IV | | | | | | | | | | | | | | | | А | А | Т | Т | А | А | Т | Т | Т | Т | П | П | П | П | П | П | П | П | М | М | М | М | М | М | М | Д | Д | Д | Т | Т | Т | Т | Т | | | | | 37 | 15 | 4 | 15 | 3 | 11 | 48 |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами | 157 | 105 | 28 | 21 | 3 | 47 | 204 |

| | Назарий таълим |
|---|---|
| А | Аттестациялар |
| М | Малакавий амалиёт |
| Д | Якуний давлат аттестацияси |
| Т | Таътил, шахсий режани шакллантириш |

## II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

| Т/р | Фаннинг малакавий коди | Ўқув фанлари, блоклар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юклама хажми: соат | % | Аудитория машғулотлари, соатларда: Жами | Маъруза | Амалий | Лаборатория | Семинар | Курс иши | Мустақил таълим | Соатларнинг курс, семестр ва хафталар бўйича тақсимоти (1-курс 40 / 2-курс 40 / 3-курс 40 / 4-курс 37; Семестрдаги аудитория машғулотлари хафталарининг сони): 1 (15) | 2 (15) | 3 (15) | 4 (15) | 5 (15) | 6 (15) | 7 (15) | 8 (15) | Кредитларнинг курс, семестр ва хафталар бўйича тақсимоти (1-курс 40 / 2-курс 40 / 3-курс 40 / 4-курс 37; Кредит тақсимоти): 1 (30) | 2 (30) | 3 (30) | 4 (30) | 5 (30) | 6 (30) | 7 (30) | 8 (30) | Жами кредитлар (240) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |
| 1.00 | | **Табиий-илмий ва гуманитар фанлар** | 1230 | 20,2 | 570 | 180 | 270 | 0 | 120 | 0 | 660 | 12 | 12 | 0 | 4 | 4 | 4 | 2 | 0 | 13 | 13 | 0 | 4 | 4 | 4 | 3 | 0 | 41 |
| 1.01 | OMTB110 | Олий математика | 300 | | 120 | 60 | 60 | | | | 180 | 4 | 4 | | | | | | | 5 | 5 | | | | | | | 10 |
| 1.02 | UYTB104 | Ўзбекистоннинг энг янги тарихи | 120 | | 60 | 30 | | | 30 | | 60 | 4 | | | | | | | | 4 | | | | | | | | 4 |
| 1.03 | FALB204 | Фалсафа | 120 | | 60 | 30 | | | 30 | | 60 | | | | 4 | | | | | | | | 4 | | | | | 4 |
| 1.04 | URTB104 | Ўзбек (рус) тили | 120 | | 60 | | 60 | | | | 60 | | 4 | | | | | | | | 4 | | | | | | | 4 |
| 1.05 | XTB106 | Хорижий тил | 180 | | 90 | | 90 | | | | 90 | 4 | 2 | | | | | | | 4 | 2 | | | | | | | 6 |
| 1.06 | UTSB403 | Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши | 90 | | 30 | | 30 | | | | 60 | | | | | | | 2 | | | | | | | | 3 | | 3 |
| 1.07 | JTSB102 | Жисмоний тарбия ва спорт | 60 | | 30 | | 30 | | | | 30 | | 2 | | | | | | | | 2 | | | | | | | 2 |
| 1.08 | UPPB308 | Умумий педагогика ва психология | 240 | | 120 | 60 | | | 60 | | 120 | | | | | 4 | 4 | | | | | | | 4 | 4 | | | 8 |

Сканировано с CamScanner

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2.00 | | Умумкасбий фанлар | 3180 | 52,2 | 1410 | 700 | 710 | 0 | 0 | 2 ки | 1770 | 14 | 14 | 16 | 22 | 6 | 6 | 16 | 0 | 17 | 15 | 18 | 24 | 8 | 6 | 19 | 0 | 107 |
| 2.01 | UTGB109 | Умумий табиий география | 270 | | 120 | 60 | 60 | | | | 150 | 6 | 2 | | | | | | | 6 | 3 | | | | | | | 9 |
| 2.02 | GVIB107 | Гидрология ва иқлимшунослик | 210 | | 90 | 44 | 46 | | | | 120 | 4 | 2 | | | | | | | 5 | 2 | | | | | | | 7 |
| 2.03 | TKGB110 | Топография, картография ва ГИС | 300 | | 120 | 60 | 60 | | | | 180 | 4 | 4 | | | | | | | 6 | 4 | | | | | | | 10 |
| 2.04 | IIGB106 | Иқтисодий ва ижтимоий география | 180 | | 90 | 44 | 46 | | | | 90 | | 6 | | | | | | | | 6 | | | | | | | 6 |
| 2.05 | GGAB206 | Геоморфология ва геология асослари | 180 | | 60 | 30 | 30 | | | | 120 | | | 4 | | | | | | | | 6 | | | | | | 6 |
| 2.06 | GAGB206 | Геофизика асослари ва геокимё | 180 | | 90 | 44 | 46 | | | | 90 | | | 6 | | | | | | | | 6 | | | | | | 6 |
| 2.07 | OZGB212 | Ўзбекистон географияси | 360 | | 180 | 90 | 90 | | | ки | 180 | | | 6 | 6 | | | | | | | 6 | 6 | | | | | 12 |
| 2.08 | LANB206 | Ландшафтшунослик | 180 | | 60 | 30 | 30 | | | | 120 | | | | 4 | | | | | | | | 6 | | | | | 6 |
| 2.09 | AGDB206 | Аҳоли географияси ва демография асослари | 180 | | 90 | 44 | 46 | | | | 90 | | | | 6 | | | | | | | | 6 | | | | | 6 |
| 2.10 | JAGB224 | Жаҳон географияси | 810 | | 360 | 180 | 180 | | | ки | 450 | | | | 6 | 6 | 6 | 6 | | | | | 6 | 8 | 6 | 7 | | 27 |
| 2.11 | GLEB405 | Геоэкология ва ландшафт экологияси | 150 | | 60 | 30 | 30 | | | | 90 | | | | | | | 4 | | | | | | | | 5 | | 5 |
| 2.12 | GOMB406 | Табиийёт ва география ўқитиш методикаси | 180 | | 90 | 44 | 46 | | | | 90 | | | | | | | 6 | | | | | | | | 7 | | 7 |
| 3.00 | | Ихтисослик фанлари | 1320 | 21,7 | 570 | 284 | 286 | 0 | 0 | 0 | 750 | 0 | 0 | 10 | 0 | 8 | 12 | 8 | 0 | 0 | 0 | 12 | 0 | 10 | 14 | 8 | 0 | 44 |
| 3.01 | SHGB206 | Шаҳарлар географияси ва геоурбанистика асослари | 180 | | 90 | 44 | 46 | | | | 90 | | | 6 | | | | | | | | 6 | | | | | | 6 |
| 3.02 | JXGB206 | Жаҳон хўжалиги географияси | 180 | | 60 | 30 | 30 | | | | 120 | | | 4 | | | | | | | | 6 | | | | | | 6 |
| 3.03 | TGYB306 | Тупроқлар географияси | 180 | | 60 | 30 | 30 | | | | 120 | | | | | 4 | | | | | | | | 6 | | | | 6 |
| 3.04 | BGYB306 | Биогеография | 180 | | 60 | 30 | 30 | | | | 120 | | | | | | 4 | | | | | | | | 6 | | | 6 |
| 3.05 | | *Танлов фанлари (3 та)* | 600 | | 300 | 150 | 150 | | | | 300 | | | | | 4 | 8 | 8 | | | | | | 4 | 8 | 8 | | 20 |
| 4.00 | | Қўшимча фанлар | 360 | 5,9 | 180 | 90 | 90 | 0 | 0 | 0 | 180 | 0 | 0 | 0 | 0 | 8 | 4 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 8 | 4 | 0 | 0 | 12 |
| 4.01 | | Қўшимча фанлар | 240 | | 120 | 60 | 60 | | | | 120 | | | | | 4 | 4 | | | | | | | 4 | 4 | | | 8 |
| 4.02 | | *Фанлараро танлов фан* | 120 | | 60 | 30 | 30 | | | | 60 | | | | | 4 | | | | | | | | 4 | | | | 4 |
| | | **Жами** | 6090 | 100 | 2730 | 1254 | 1356 | 0 | 120 | 2 ки | 3360 | 26 | 26 | 26 | 26 | 26 | 26 | 26 | 0 | 30 | 28 | 30 | 28 | 30 | 28 | 30 | 0 | 204 |
| | | **Малакавий амалиёт** | 630 | | 0 | | | | | | 630 | | | | | | | | | | 2 | | 2 | | 2 | | 15 | 21 |
| | | **Якуний давлат аттестацияси** | 450 | | 0 | | | | | | 450 | | | | | | | | | | | | | | | | 15 | 15 |
| | | **Аттестация** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 0 |
| | | **Жами** | 1080 | | 0 | | | | | | 1080 | | | | | | | | | | 2 | | 2 | | 2 | | 30 | 36 |
| | | **Ҳаммаси** | 7170 | 100 | 2730 | 1254 | 1356 | 0 | 120 | 2 ки | 4440 | 26 | 26 | 26 | 26 | 26 | 26 | 26 | 0 | 30 | 30 | 30 | 30 | 30 | 30 | 30 | 30 | 240 |

**Изоҳ:**

1) 1 кредит 30 академик соатни ташкил қилади.

2) Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари қўшимча фанлар блокининг соатлари ҳисобига, ҳарбий йиғин эса таътил вақти ҳисобига ўтказилади. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказилмайдиган ҳолларда ушбу блокдан меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминловчи фанлар ОТМ Кенгаши қарори билан белгиланади.

3) Ўқув режа асосида ишчи ўқув режасини тузишда талабалар юкламасининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳамда аудитория юкламасининг умумий ҳажмини сақлаган ҳолда айрим семестрларда ҳафталик юкламалар ҳажмини фарқли белгилаш мумкин.

4) Якуний давлат аттестацияси муддатлари таркибига битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш ҳам киради.

5) Ўқув режага киритилаётган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

6) Назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

| Ўқув жараёнининг таркибий қисмлари | Ҳафталар сони | Семестр | Давлат аттестацияси |
|---|---|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | 105 | 1--7 | Битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш ёки ихтисослик фанларидан Давлат аттестацияси |
| Малакавий амалиёт | 21 | 2, 4, 6, 8 | |
| Аттестациялар | 28 | 1--7 | |
| Якуний давлат аттестациялари | 3 | 8 | |
| Таътиллар | 47 | 1--8 | |
| **Жами** | 204 | | |

Сканировано с CamScanner

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқулланган.

2020 йил "14 08" даги 3-сонли баённома

| | |
|---|---|
| Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти Бош бошқармаси бошлиғи | С. Шамбеков |
| Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи | О. Базаров |
| ОТРТИТТЭМ директори | Т. Хакимов |
| ЎзМУ ўқув ишлари бўйича проректори | Ш. Эшматов |
| Кадрлар буюртмачиси: | |
| ЎзРФА Сейсмология институти директори | В. Рафиков |